

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ишнинг ҳаласатдан тугатиши ҳақида)

2020 йил декабрь ойининг 21 кунини жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди Термиз шаҳар “Мажнунтол” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисини ўтказиб, раислик қилувчи И.Шайманов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида қардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э. [REDACTED], судланувчи М.П ва унинг ҳимоячиси “Сурхон Баркамол Имкон” [REDACTED] адвокатлар ҳайъати адвокати М.Нарбаев, жабрланувчи Б.Жнинг иштирокида,

П.М.Н (P.M.N), 1964 йил 1 сентябрда Бойсун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази жонлаштириш бўлими бошлиғи, Термиз шаҳри, “ [REDACTED] ” маҳалласи, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаган, сўзидан соғлиги яхши судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи П.М.Нга нисбатан 1-1901-2001/220-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

М.П 2020 йилнинг 23 август кунидан 2 сентябрь кунига қадар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида коронавирус инфекцияси мавжудлиги сабабли даволанишда бўлган Термиз шаҳар “ [REDACTED] ” маҳалласи [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-сонли уйда яшовчи фуқаро А.Ҳ.Жнинг ўғли ушбу манзилда яшовчи Ж.Б.Ҳ билан танишиб, унга отасининг саломатлигини тиклаш учун бир нечта дори-дармонлар зарурлигини ва ушбу дори-дармонларни ўзининг ҳисобидан сарфлаганлигини айтиб, уни ишонтириб, ушбу тиббиёт муассасасида коронавирус инфекцияси билан даволанаётган беморлар учун бепул тиббий ёрдам ҳамда дори-дармонлар таъминланган бўлсада, уни алдаб, гўёки ушбу дори-дармонларни ўзининг шахсий маблағидан сарфлаганлигини айтиб, 2020 йил август ойининг охирларида Б.Ҳ.Ждан бўлиб-бўлиб жами 2.500.000 (икки миллион беш юз минг) сўм ҳамда қиймати 2.052.574 (икки миллион элик икки минг беш юз етмиш тўрт) сўмга тенг бўлган (ЎзР. Марказий банкнинг 25.08.2020 йил санасидаги маълумотига кўра 1 АҚШ долларининг қиймати миллий валютада 10.262 сўм 87 тийинга тенг эканлиги аниқланган) 200 (икки юз) АҚШ доллари миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Суд мажлисида жабрланувчи Б.Ж, судланувчи М.П ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи М.П суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини тўла англаб етганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ихтиёрий равишда тазйқсиз ярашганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Б.Ж суд мажлисида ярашув тўғрисидаги берган аризасини қувватлаб, М.Пга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ўзига бирон бир тазйқ бўлмаганлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг вакили Б.Жнинг ҳамда судланувчи М.Пнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ёрдамчиси Э.Ортиқов ва ҳимоячи М.Нарбаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, М.Пнинг муқаддам судланганлик муддати тугаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг вакили ва судланувчига бирон бир тазйқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчи қонуний вакилининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, М.Пга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, жабрланувчи Б.Жга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан П.М.Н (P.M.N)га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

П.М.Нга нисбатан гаров тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаров тариқасида М.П томонидан ТИФ Миллий банк Сурхондарё вилоят

